

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 20-fevral, chorshanba № 14 (15652)

Navqiron avlod so'zi

Хуқуқингизни биласизми, бурчингизни-чи?

Қонун бизнинг кўринмас ҳимоячимиз. Агар ўз ҳақ-хуқуқларимизни тўлақонли билсак, ҳар бир ишимизни ортиқча оврагарчиликсиз, самарали ва тез битиришимиз мумкин. Афсуски, баъзан хуқуқий саводимиз етарли даражада эмаслигидан ҳар жойда ҳам ҳақ-хуқуқларимизни талаб эта олмаймиз.

Фараз қилинг, чорва молингизни бозорга чиқариб сотаяпсиз ёки мол сотиб оляпсиз. Шунда бозор маъмурияти ходимлари бозордан олиб чиқиб кетаётган ёки олиб кираётган молингизга қараб, сиздан чек пулини талаб қилишади. Аслида, ўша чекка қанча тўланишини биласизми? Бу ҳам хуқуқий билимингиз қай даражада эканлигини кўрсатади. Демак, ҳар бир фуқаронинг хуқуқий саводхонлигини юксалтириш зарур. Бу борада мамлакатимиздаги қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан фуқароларнинг хуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган кўплаб тарғибот-ташвиқот тадбирлари олиб борилмоқда. Шунингдек, ўқувчи-ёшларнинг хуқуқий онгини юксалтириш мақсадида барча таълим муассасаларида хуқуқий мавзуга қаратилган дарс соатлари ўтилмоқда. Қолаверса, аҳолига етарли даражада китоблар, қўлланмалар, тарқатма материаллар чоп этилмоқда. Буларнинг барчаси аҳолининг хуқуқий саводхонлигини оширишга, ўз ҳақ-хуқуқларини англаб етишга қаратилган, албатта.

Фарғона давлат университетининг хуқуқшунослик факультетида ўқидим. Кейинчалик хуқуқий билиминини ошириш мақсадида Тошкент давлат юридик институтида фуқаролик хуқуқи, фуқаролик процесси, оила хуқуқи, халқаро хусусий хуқуқ йўналиши бўйича магистратура таҳсилини олдим. Сўнгра олган билимларимни амалиётда қўллаш учун Ёзёвон туман прокуратураси терговчиси бўлиб ишладим. Амалий иш жараёнида билдимки, фуқароларнинг хуқуқий онгини шакллантирмай туриб, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш мушкул экан. Шундан сўнг ёшларнинг хуқуқий билимини ошириш мақсадида Тошлоқ туманидаги иқтисодиёт коллежида ўқитувчилик қилдим. Ҳозир Фарғона политехника институтида талабаларга сабоқ бериб келяпман. Шу билан бирга, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг институтдаги бошланғич ташкилоти етакчисиман. Етакчилик фаолиятимда ҳам, асосан, ёшларнинг хуқуқий онгини оширишга қаратилган лойиҳа ва тадбирларни кўпроқ ўтказяпман. Албатта, маънавий-маданий, соғломлаштириш тадбирларини ҳам унутмаган ҳолда. Бошланғич ташкилотимиз қошида фаол талабалардан иборат «Сиёсий тарғибот», «Жасорат» ва «Ёш посбонлар» гуруҳлари ташкил этилган. Шунингдек, институтда ташкил этилган «Ариза, шикоят ва таклифлар» қутигасига талабалар томонидан келиб тушган хатлар доимий ўрганиб борилади.

Обод турмуш йилининг дастлабки ойларида институтимизда кенг қамровли таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Биз, «Камолот»чи ёшлар ҳамжиҳатликда «Бунёдкор» талаба-ёшлар меҳнат ҳаракатини ташкил этиб, ўқишдан бўш вақтларимизда ушбу таъмирлаш ишларида фаол қатнашмоқчимиз.

Ҳозирда Тошкент давлат юридик институтининг мустақил тадқиқотчиси сифатида фуқаролик хуқуқи кафедрасида юридик фанлар доктори, профессор Миродил Баротов раҳбарлиги остида «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини фуқаролик хуқуқий тартибга солиш масалалари» мавзусида тадқиқот ишини олиб боряпман.

Ойбек ТҶХТАБОЕВ,
«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби



Сардор Муллажонов фотокolleжи

Ёшлар учун ажойиб имконият

Kun yangiligi

Кеча пойтахтимиздаги «Ёшлар ижод саройи»да «Таълим ва мутахассислик» VIII халқаро кўргазмаси очилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси қошидаги «SSP-Expocontact» МЧЖ, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу кўргазма учта павильонда ўтказилляпти.

Кўргазма иштирокчилари биринчи павильонда мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари, унда мавжуд касб ва мутахассислик йўналишлари билан яқиндан танишади. Таълим соҳасида яратилаётган имконият ва сўнгги ютуқлардан хабардор бўлиб, ўзлари истаган касблар бўйича тўлиқ маълумот олиш имкониятига эга бўлишади. Иш излаётган ёшлар кўргазманинг карьерда деб номланган иккинчи павильонидан ўрин олган Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқар-

маси, «Лукойл», «Билайн», «Артел», «GM-Uzbekistan», «Акфа» каби бир қатор компаниялар ҳамда ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказлардаги янги иш ўринлари ҳақида маълумот олиб, ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашишлари мумкин. Хорижий олий ўқув юртларида таълим олишни ёки чет тилини ўрганмоқчи бўлсангиз, учинчи павильонни кузатиңг. Бу ерда бир қатор хорижий давлатлардаги олий таълим муассасалари ўз ўқув дастурларини тақдим этиб,

мутахассисликлари билан ёшларни таништирмоқда. Кўргазмалар оғзаки мулоқот тарзидан ташқари, видеоролик, слайд ва тарқатма материаллар билан бойитилганлиги ёшларни тўлақонли маълумот билан таъминлашга хизмат қилляпти.

— Бу йилги кўргазмада иштирок этувчилар сони янаям кўпайди, — дейди «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши бўлим мудири Фазлиддин Баркашбоев. — Шу боис ёшларнинг бандлигини таъминлаш учун қатнашаётган корхона ва ташкилотларга алоҳида павильон ташкил этилди. Кўргазмада бир қатор миллий ва хорижий ўқув юртлари ўзларининг таълим дастурлари, замонавий меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар ҳақида батафсил маълумотлар беришмоқда.

Кўргазмага келган ёшлар орасида иррига-

ция ва мелиорация соҳасига ҳам қизиқиш ортмоқда. Қизиқувчи ёшлардан бири Сирожиiddин Хўжақулов. У Мирзо Улуғбек туманидаги транспорт касб-хунар коллежининг 3-курс ўқувчиси.

— Кўргазмада пойтахтимизда жойлашган олий таълим муассасаларини кузатиб, келгусида Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг сув хўжалигини автоматлаштириш ва механизациялаш факультетида ўқишга қарор қилдим — дейди Сирожиiddин Хўжақулов. — Кўргазмада қизларни турли хунарга ўргатувчи марказлар мавжуд. Бу ерда ўғил болалар учун ҳам хунар ўргатадиган марказлар иштирок этишса, тенгдошларим учун янада фойдалироқ бўларди.

«Таълим ва мутахассислик» VIII халқаро кўргазмаси 21 февралга қадар давом этади. Кўргазмага шошилиңг! Унда сиз таълим ва мутахассислик билан танишиш орқали ўзингизга мос иш ўрнини ҳам топишингиз мумкин.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири

Kelajakka qadam

Tuman boylik

Юксак манзилларга чоғланган ёшлик



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида тўрт ойлик курсни тамомлаган битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчиларнинг яқинлари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбир аввалида сўз олган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси ректори Абдужаббор Абдувоҳидов, Мудофаа вазирининг ўринбосари, полковник Музаффар Солиев битирувчиларни юксак ва шарафли масъулиятни зиммаларига олгани билан табриклар, юртимиз раҳбар-кадрларнинг бўлиб етишишларида муваффақият тилади. Шундан сўнг битирувчиларга тантанали диплом топшириш маросими бошланди.

— Юртимизнинг турли вилоятларидан келган, ҳар хил соҳа вакиллари билан иборат қирқ саккиз нафар бўлғуси раҳбар-кадр академиясининг тўрт ойлик курсини тамомлаган илк битирувчи қалдирғочлардир, — деди академиянинг бошқарув кадрларини қайта тайёрлашни ташкил этиш бўлими бошлиғи Абдуваҳоб Қўчқоров. — Улар ўқиш давомида раҳбар-кадрларнинг бошқарувда қарор қабул қилиш хусусиятлари, иқтисодий либераллашув масалалари, жамиятда хавфсизликни таъминлаш каби қатор соҳалар бўйича билимларини оширишди. Шунингдек, хизмат қилаётган ташкилотларида икки ой мобайнида амалиёт ўтаб, ўз со-

ҳалари бўйича битирув-малакавий ишини ҳимоя қилишди. Энди бу ёшлар ўз вилоятларига бориб, олган билим ва тажрибаларини юртимизнинг раҳбар-кадрларнинг бўлиб етишишларида муваффақият тилади. Шундан сўнг битирувчиларга тантанали диплом топшириш маросими бошланди.

Махсус либос — мантияларда кўзлари ёниб турган, шижоатли бўлғуси раҳбар-кадрларнинг саккиз нафари «Камолот» ЁИХ ҳудудий кенгаши раисиман. Ви-лоятимизга боргач, академияда олган билимларимни амалиётга татбиқ этиб, Ватанимиз тараққиёти йўлида астойдил хизмат қилиш, изимиздан келаётган ука-сингилларимизга иш тажрибамизни ўргатиш ниятидаман.

**Анвар Раҳмонов,
академия
битирувчиси:**



— Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида таълим олиш ҳар бир раҳбар-ҳодим учун юксак шараф. Бу даргоҳда тажрибали профессор ўқитувчилардан сабоқ олиб, билимимизни мустаҳкамладик, иш жараёнида муҳим масалалар юзасидан тезкор,

тўғри, аниқ қарор қабул қилиш бўйича муайян билим-кўникмаларга эга бўлдик. Ҳамма даврларда ҳам бошқарувда тўғри қарор қабул қилиш раҳбар-ҳодим учун керакли хусусият бўлган. Шу боис диплом ишимни ҳам шу мавзуда — «Бошқарув қарорларининг аҳамияти, уларни тайёрлаш ва амалга ошириш жараёни» мавзусида ҳимоя қилдим. Айни пайтда «Камолот» ЁИХнинг Термиз шаҳар кенгаши раисиман. Ви-лоятимизга боргач, академияда олган билимларимни амалиётга татбиқ этиб, Ватанимиз тараққиёти йўлида астойдил хизмат қилиш, изимиздан келаётган ука-сингилларимизга иш тажрибамизни ўргатиш ниятидаман.

**Дилором
Абдуғафорова,
академия
битирувчиси:**



— Ҳар бир мамлакат тараққиёти раҳбар-кадрларнинг малакасига, халқчил бошқарув тажрибаси ва амалиётга, салоҳиятига боғлиқдир. Зеро, билимли, юксак маънавиятли раҳбар-ҳодимлар «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойилининг амалда мустаҳкам қарор топишида муҳим аҳамият

касб этади. Мен ҳам истиқболли ёш кадрлар сафида эканимдан бахтиёрман. Юртимизда ёш кадрларга қаратилаётган эътибор туфайли биз, бир гуруҳ йигит-қизлар ушбу нуфузли академияда таҳсил олиб, билим ва тафаккуримизни бойитдик.

**Бахтиёржон
Тойиров, академия
битирувчиси:**



— Академиянинг тўрт ойлик курсини тамомлаб, устозларимиз қўлидан дипломни қабул қилиш асносида зиммамга улкан, шарафли масъулиятни олганимни ҳис этдим. Қўлингдан нимадир келишига, яхши раҳбар бўлишингга ишонч билдиришса, ортингда неча-неча нигоҳлар умид билан қараб турганини юракдан ўтказсанг, ўз-ўзидан лаҳзалар ичида елканда масъулият юкини туярсан, киши. Президентимиз раҳбар-ҳодим ўз ишига доимо масъулият билан ёндашиши, ташаббускор, ҳалол, виждонли бўлиши, эл-юртгами билан яшаб, ҳар қандай вазиятда жамият манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўйиши ҳақида маърузаларида кўп бора таъкидлаганлар. Бу фикрларни бугун мен билан бир сафда, масъулиятли вазифалар оstonасида турган ҳар бир битирувчи яхши билади ва бунга амал қилади.

Тантанали маросим якунида битирувчиларнинг ота-оналари, яқинлари сўзга чиқиб, академия устоз-мураббийларига миннатдорлик билдиришди. Бўлғуси раҳбар-кадрларнинг масъулиятли вазифаларда меҳнат қилиб, она-Ватан олдидаги фарзандлик бурчини сидқидилдан адо этишларига, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишига тилакдош бўлишди.

**Хайриддин МУРОД,
«Turkiston» мухбири**

Жондор ҳамда Бухоро туманларида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Фертил ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталигини ўтказиш тўғрисида»ги фармойишига асосан ўтказилган соғломлаштириш тадбирида 1281 нафар киши иштирок этди.

Соғломлаштириш ҳафталиги

Мазкур тадбирда Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Бухоро вилояти бўлими, ОИТСга қарши кураш ҳамда «Она ва бола» скрининг марказлари, сил касаллиги диспансери мутахассислари ёшлар ва аҳолини қизиқтирган саволларга жавоб беришди. «Соғлом турмуш тарзи тамойиллари», «Репродуктив саломатлик», «Тугма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш», «Тиббий кўрикнинг аҳамияти», «Сил касалликларининг олдини олиш», «ОИВ/ОИТС касалликларининг олдини олиш» мавзуларидаги мулоқотлар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбир давомида аҳолининг тиббий билим даражасини аниқлаш учун улардан мавзуга оид анкета-сўровномалар олингани, айниқса, диққатга сазовор бўлди.

**Лайло ҲАЙТОВА,
«Turkiston» мухбири**

«Kamolot» hududi

«Камолот» ЁИХ Термиз шаҳар кенгаши ва шаҳар халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида Термиз шаҳридаги 10-мактабда «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги иккита ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва 16 та мактабнинг жамоалари тўртта шарт бўйича беллашди.

Билимчилар ҳамиша ғолиб

Таништирув, ўлка тарихига саёҳат, зукколар мусобақаси, уй вазифаси каби шартларда иштирок этган ўқувчилар бой тарихимиз, бобомерос урф-одат, қадриятларимиз ҳақидаги билимларини намойиш этишди.

Кўрик-танлов сўнигида ғолиб жамоалар номи маълум бўлди. Унга кўра, 9-мактабнинг «Тарамата» жамоаси биринчи, 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг «Алпомиш авлодлари» жамоаси иккинчи, 4-мактабнинг «Ёш тарихчилар» жамоаси учинчи ўринга лойиқ топилди. Ғолиб жамоалар «Камолот» ЁИХ шаҳар кенгаши томонидан тақдирланди.

Хайриддин АБУЛФАЙЗОВ

Tashabbus

Тошкент давлат юридик институтида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази хонаси очилди.

Институтда «Келажак овози» хонаси

Унинг очилиш маросимида бағишланган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси вакиллари, институт ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар институтда «Келажак овози» хонасининг очилиши билан истеъдодли талабалар учун катта имконият яратилганини таъкидладилар. Иқтидорли ёшларнинг ўз ижодий ғояларини баён этишлари ва уни амалга татбиқ қилишларида марказ кўмакчи бўлиши алоҳида эътироф этилди.

**Хулкар ОРИПОВА,
ТДЮИ маънавият ва маърифат
бўлими ходими**

Vatan himoyasi — muqaddas burch

Ватан хизматиغا отланганлар

Айни кунларда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муқаддас ватанига ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги 2012 йил 28 декабрдаги қарорига кўра, саралаб олинган жисмонан ва маънан етук, кенг дунёқарашга, юксак фикрлаш, таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлган йигитларни армия сафларига тантанали кузатиш маросимлари кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятида ҳам турли жисмоний машқлар ҳамда тест синовларидан муваффақиятли ўтган 2089 нафар йигитни ҳарбий қисмларга тантанали кузатиш маросимлари юқори савияда ташкил этилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган навбатдаги кузатиш маросимида ёшларнинг она-оналари, жамоат ташкилотлари ва ҳокимлик вакиллари, таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар жамулжам бўлишди.

— Шу азиз ва улуғ Ватанимиз ҳимояси учун хизматга отланаётганимдан беҳад хурсандман, — дейди чақирилувчи аскар Мурод Абдурахмонов. — Менга билдирилган юксак ишончни аъло даражадаги хизматим, бор билимим ва маҳоратим билан оқлайман. Ота-онам ва Ватаним учун, юртдошларимиз осойишталиги учун сидқидилдан хизмат қилмоқчиман. Зеро, Ватан хизмати биз, ёшлар учун юксак шараф ва муқаддас бурчдир.

Кузатиш маросими муносабати билан ўтказилган тантанали

тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда муқаддас ватан хизматчилар учун яратилаётган шарт-шароитлар, ҳарбий соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар ҳақида тўлқинланиб гапиришди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят чақирув комиссияси раиси, вилоят ҳокими ўринбосари Анвар Абдуқодиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Акмал Раҳмонов, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигидан Мажид Умаров, заҳирадаги полковник Му-

род Солиев, вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Толиб Тўраев ҳамда «Камолот» ЁИХ Тошкент вилояти кенгаши раиси Азамат Камолов ҳукуратимиз томонидан ҳарбий хизматчилар учун яратилаётган шароитлар ҳамда имкониятлар ҳақида батафсил тўхталишди.

— Фарзандимни армия хизматида кузатаётганимдан жуда бахтиёрман, — дейди биз билан суҳбатда чинозлик аскарнинг онаси Шоира Набиева. — Она учун дунёда фарзандининг камолини кўришдан ортиқ бахт бўлмас керак. Яратилган қулай шарт-шароитларни, имтиёزلарни эшитиб бошимиз осмонга етди. Ҳукуратимизга, Президентимизга минг раҳмат. Илоҳим, фарзандларимиз қаерда бўлмасин, юрт учун, она диёр учун содиқ аскар бўлсин, хизматларини аъло бажариб қайтсинлар. Оқ йўл, болаларим, дегим келади.

Йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш муносабати билан ўтказилган тадбир қувноқ шодиёнага улашиб кетди. Таниқли кулги усталарининг қувноқ хангомалари, шоирнинг Ватан ҳақидаги жўшқин шеъри, ёш эстрада хонандаларининг дилтортар кўшиқлари даврага ўзгача файз бағишлади.

Тадбир сўнгиде муқаддас ватан хизмат чақирилувчиларига «Камолот» ЁИХ Тошкент вилояти кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан совғалар тарқатилди.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг муҳим вазифаларидан бири — ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва чақирилувчиларни мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафига тайёрлашдир. Ёшларни муқаддас ватан хизматига чақирув ишлари давом этаётган шу кунларда мазкур ташкилот 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида «Жасур аскар бўламиз!» шиори остида ҳарбий-амалий кўпкураш беллашувларини ўтказди.

«Жасур аскар бўламиз!»

Узоққа сакраш, тўсиқлар оша югуриш, пневматик милтиқдан ўқ отиш, граната улоқтириш, қўл жанги бўйича иштирокчилар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Бир-биридан қизиқарли кечган беллашувлар қизларнинг ҳам ҳарбий-амалий кўпкурашларда анчагина пешқадам эканлигини кўрсатди.

— Мазкур беллашувлар менга шунақа шижоат бағишладики, келажакда, албатта, мен ҳам аскарлик либосини кийиб Ватанимга хизмат қиламан, — дейди муСОБАҚАДА ГОЛИБ бўлган пешқулик Шахина Истамова.

Шахина сингари Бухоро шаҳридан Саломат Тошева, вобкентлик Дилноза Муҳаммедова ҳарбий-амалий кўпкураш беллашувларида чинакам ғайратларини намойиш этишди. Ўғил болалар ўртасида Иброҳим Саидов, Акбар Низомов ҳамда Абдурахмон Ҳамроев голиб бўлди.


Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

Ta'lim taraqqiyoti

Янги йўналиш, янги мутахассислик

«Ўзбек-герман архитектура-қурилиш маркази»да «Био ва иншоотларни сақлаш ва тарихий архитектура ёдгорликларини муҳофаза қилиш» магистрлик мутахассислиги курсининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу марказ архитектура-қурилиш соҳасида илғор хорижий стандартлар даражасида олий маълумотли, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда олий таълим соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 январда ўтказилган «Ўзбек-герман архитектура ва қурилиш маркази» фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги йиғилиш баёнига асосан Тошкент архитектура-қурилиш институтида ташкил этилди. Марказни барпо этишда Германия Федератив Республикасидан ҳамкор сифатида Потсдам ихтисослашган институти, Веймар шаҳридаги «Vauhaus» университети, Дрезден шаҳридаги техника университети ва Бамберг шаҳридаги Отто-Фридрих номли университети, Ўзбекистон Республикасидан эса, Тошкент архитекту-



ра-қурилиш институти ҳамда Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти иштирок этди. Марказ учун зарур бўлган моддий-техник қурилма ва анжомлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳисобидан харид қилинди.

«Ўзбек-герман архитектура-қурилиш маркази»нинг очилиш маросимидан сўнг Германия Федератив Республикасидан ташриф буюрган меҳмонлар ва журналистлар марказда яратилган шароитлар билан таништирилди. Бу ерда магистрларнинг таълим олиши учун зарур бўлган замонавий ахбор-

рот технологиялари жорий этилган. Кутубхона ҳам энг сўнгги адабиёт ва электрон қўлланмалар билан таъминланган. Тадбир иштирокчилари марказ фаолияти билан танишгач, қурилиш объекти ва тарихий ёдгорликларни сақлаш бўйича Ўзбекистон ва Германиялик мутахассислар маърузалар ўқишди.

— «Ўзбек-герман архитектура-қурилиш маркази»га қабул қилинган магистрлар бир нечта босқичларда синовдан ўтказилди, — дейди Тошкент архитектура-қурилиш институтининг ўқув ишлари бўйича проректори, профессор Абдуқобил Тўла-

ганов. — Эндиликда синовдан муваффақиятли ўтган магистрлар Германия олий ўқув юртларида, бино ва иншоотларни сақлаш ва тарихий архитектура ёдгорликларини муҳофаза қилиш мутахассислиги бўйича икки йил таҳсил олишади. Ўқишнинг бир семестри Германиядаги ҳамкор олий ўқув юртларида олиб борилади. Марказдаги таълим жараёни «Фольксваген» фонди (Германия Федератив Республикаси) томонидан ажратилаётган маблағ ҳисобига амалга оширилмоқда. Марказ битирувчиларининг магистрлик дипломлари мақсадли ўқиш ва ҳамкорлик асосида

олинган таълим ҳужжати сифатида Ўзбекистон Республикаси давлат рўйхатидан, яъни нострификациядан ўтказилади.

— Тошкент архитектура-қурилиш институтининг бакалавр босқичида ўқиганимда қадимий биноларни реставрация қилиш бўйича ўн кун Украинада малака ошириб қайтганим, — дейди «Ўзбек-герман архитектура-қурилиш маркази» магистранти Дурдона Қулматова. — Шундан тарихий ёдгорликларга бўлган қизиқишим ортган. Ушбу марказда ўқиш учун пойтахтимиздаги Гёте институтида саккиз ой немис тилини ўргандим. Бугун оғзаки, ёзма, тест, ижодий иш каби бир нечта босқичда синовдан ўтиб, «Ўзбек-герман архитектура-қурилиш маркази»га ўқишга қабул қилиндим. Юртимиздаги тарихий ёдгорликларни асравайланда ва янги иншоотларни барпо этишда янги лойиҳаларим билан қатнашмоқчиман.

Иштирокчилар Самарқанд архитектура ва қурилиш институтида ҳам бўлишади.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири.
Сардор Муллажонов
олган сурат

Халқимизнинг қадимий байрами

Асрлар давомида халқимиз қир-адирларга, кўча ва хиёбонларга, гузар ва сайилгоҳларга чиқиб, Наврўзни байрам қилган. Бундай шодиёналарда бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойиба, кўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови янграган. Улоқ-кўпқари, пойга, кураш, мерганлик каби томошалар ўтказилган. Дорбозлар, масхарабозлар, кўғирчоқ-бозлар, полвонлар ўз санъатини намойиш этган. Наврўз билан боғлиқ бундай миллий урф-одатларимизнинг бугунги кунда қайта тиклангани, ушбу бетакрор байрамнинг одамлар ҳаётида тутган ўрни ҳақида **фольклоршунос олим, филология фанлари доктори Жаббор ЭШОНҚУЛОВ** Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

— Мустақиллик йилларида кўхна тарихимиз, бой меросимиз, миллий давлатчилигимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умум-башарий қадриятларга ҳурмат, Ватан тақдири ва келажикга дахлдорлик туйғуси юракларимизнинг туб-тубидан ўрин олди.

Юртбошимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ҳали шўро салтанати ҳукмрон бўлиб турган пайтда Наврўз байрами тикланди. 1990 йил 3 май куни Президентимизнинг тарихий фармони эълон қилинди. Бу фармонга биноан 21 март — Наврўз умумхалқ байрами ва дам олиш куни деб эълон қилинди. Ўша давр учун бу катта жасорат эди.

Истиқлол туфайли Наврўз мамлакатимизда нафақат қайта тикланди, балки изчил ривожланди, мазмунан бойиди ва бу байрамнинг эзгулик билан йўғрилган янги янги қирралари очилди. Бугунги кунда Наврўзни халқимиз азиз айём сифатида тамомила янги руҳ, ўзгача тароват билан кенг нишонламоқда.

Наврўз билан боғлиқ тунунча ва тасаввурлар, қараш-

лар, биринчи навбатда, халқ оғзаки ижодида акс этган. Халқимиз донишмандлигининг юксак намунаси бўлган мақолу маталлардан тортиб, кўплаб афсона, кўшиқ, эртак ва дostonларимизда табиатнинг янгилиши билан боғлиқ қадим тасаввурлар мужассам. Масалан, «Оқ теракми, кўк терак?» ўйинини олиб кўрайлик. Фольклоршунос олимлар бу ўйиннинг илдизи жуда чуқур эканини эътироф этишади. Бу ўйинни Маҳмуд Кошғарийнинг асарида, биздаги кўпқари, кураш мусобақалари, кўчқор, хўроз уриштириш каби удумларга қиёслаган ҳолда ўрганадиган бўлсак, у жуда қадим замонларга бориб тақалишига ишонч ҳосил қиламиз.

«Оқ теракми, кўк терак?» ўйини мавсумий маросимларга мансуб бўлиб, дастлаб фақат кўклар — баҳор фаслида ўйналган. Кейинчалик у доим ўйналадиган болалар ўйинига айланган.

Бизнингча, бу ўйин кун-тун, қиш ва баҳор тўқнашуви ҳақидаги қадим тасаввурларни ҳам ўзида мужассам этади. Қиш енгилса, баҳор ғолиб келади, тун чекинса, кун узяди. Зеро, ўйинда асосий урғу ушбу тасаввурларга қаратилган.

Бу ўйиннинг «Оқ теракми, кўк терак?» деб аталишига

сабаб, аввало, терак баргининг бир томони оқ, бир томони кўк бўлади, қолаверса, у кун ва тун ҳақидаги тушунчаларни ҳам ифодалайди.

Маълумки, табиатни жонли тарзда тасаввур қилиш, хусусан, қиш ва ёзнинг кураши барча халқлар оғзаки ижодида учрайди. Шунинг асосида қиш ва кўклар курашига бағишлаб маросимлар уюштирилган. Бу курашда кўкларнинг қишни енгишига одамлар қатъий ишонган. Халқимизнинг ана шундай удумларидан бири «Бойчечак» маросимидир.

Эрта кўкларда адирларда, тоғ ва далаларда қор эриши билан бойчечак униб чиққанда, болалар ана шу гулларни териб олиб, уйма-уй кўшиқ айтиб юришади. Бинобарин, мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинган гул сайилларининг энг қадимийси ва кенг тарқалгани «Бойчечак сайли» ёки «Бойчечак хабари» маросимидир.

«Бойчечак сайли» ёки «Бойчечак хабари» маросими қадимдан Наврўзсолди шодиёнаси сифатида нишонлаб келинган. Болалар бир даста бойчечакни узун таёқнинг учига боғлаб олганлар ва уни кўтариб қишлоқ айланганлар. Бойчечак чиққанлиги қишқировли кунлар ортда қолиб, кўклар яқинлашганини аңлатган. Шунинг учун кекса ва касал одамлар болалар олиб келган бойчечакни юз-кўзларига суртиб, ундан яқинлашаётган баҳор хидини туйганлар. Наврўзга етиб келганликларига шукрона айтиб, «Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги йил шу кунларга эсон-омон етайлик! Оғирлик ерга, енгилгим ўзимга», деб яхши ният қилганлар.

Наврўз билан боғлиқ қадимий удумлардан яна бири «Бешқарсақ» кўшиғи ва ўйинидир. Унда қарсақ ва

«Navro'z — 2013»

кўшиқ қайтариқлари алоҳида аҳамиятга эга. Рақослар доира ясаб, қарсақ оҳангига мос ҳаракатлар қилишади. Чолғу асбоби вазифасини қарсақлар бажаради. Қарсақ ўйинларида нақоратлар муҳим аҳамиятга эга. Бу рақсда «Омонёр», «Гулбоғ», «Диғажон», «Ҳой бола-бола, ёр-ёр» каби халқ кўшиқлари куйлаб келинади.

Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида ҳам Наврўз талқинига бағишланган кўплаб гўзал мисраларни учратамиз. Наврўзи олам ҳақидаги ўйинлар, томошалар, маросим кўшиқлари халқимизнинг қадим тарихи ва руҳияти билан чамбарчас боғлиқлигини, уларда табиатдаги ўзгаришлар, фасллар алмашинуви билан боғлиқ қарашлар ўз бадий ифодасини топганини кўраемиз.

Ҳар қандай мерос асл кадр-қимматини топганда, боқий қадриятга айланади. Миллий қадриятларимизни, маданий-маърифий меросимизни авайлаб асраш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда номоддий меросга муносабат тубдан ўзгарган.

«Алпомиш» достони, қадимий шаҳарларимиз юбилейларининг халқаро миқёсда нишонланиши, Наврўз, катта ашула, аския каби қадриятларимизнинг ЮНЕСКО томонидан номоддий мерос дурдоналари сифатида рўйхатга олиниши бу юртимизда маданий соҳага бўлган эътиборнинг юксак даражада эканидан далолатдир.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, шарқона янги йил рамзи бўлмиш Наврўз одамлар қалбида эзгу туйғулар уйғотиб, уларга умид ва ишонч, шукроналик туйғуларини бағишлайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркагу аёл, ёшу қари — барча юртдошларимизнинг энг ардоқли, катта хурсандчилик билан ўтказадиган сеvimли байрамидир.

**ЎЗА мухбири
Абу Бакир ЎРОЗОВ
ёзиб олди.**

Eshitingizmi?..

«Камолот» стипендияси ва «Камолот» таълим гранти совриндорлари бўлган талаба-ёшлардан иборат «Илм-фан гуруҳи» аъзолари томонидан Чилонзор туманидаги 22-меҳрибонлик уйида «Ҳаёт учун таълим» («Learning for life») тўғарак-мактаби ташкил қилинди.

Янги тўғарак очилди

Ушбу лойиҳа доирасида болаларга инглиз ва француз тиллари, психология (ёш тренерлар тайёрлаш), тасвирий санъат, адабиёт, мусиқа, миллий ва замонавий рақс каби ўнга яқин йўналишларда бепул билим берилади.

Тўғарак-мактабнинг очилиш маросими катта байрамга айланди. Уни ташкил этишда Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Тошкент давлат иқтисодиёт, Тошкент давлат педагогика университети, Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн, Тошкент давлат шарқшунослик институтларидан фаол талабалар яқиндан ёрдам беришди.

Тадбирда «Илм-фан гуруҳи» сардори, ТДИУ талабаси Комилжон Хурсандов тўғарак-мактабнинг мақсад ва вазифалари ҳақида тўхталиб, ушбу лойиҳа меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг баркамол авлод бўлиб етишишларига хизмат қилишини айтди.

Тадбир давомида ватанни мадҳ этувчи куй-кўшиқ ва рақслардан иборат концерт дастури намойиш этилди, болажонлар ўртасида ўйинлар ўтказилди.

**Райҳон БЕГМАТОВА,
ЎзДЖТУ талабаси**

Mutaxassislik sari

Етмиш фоиз ўқувчи спортга жалб этилган

Фаргона тумани қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи туман марказидан ўн километр узоқда, Каптархона қишлоғида жойлашган. 516 нафар ёш таълим олаётган мазкур таълим муассасасида 40 нафарга яқин педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталари беш йўналишда касб ва ҳунар сирларини ўргатишяпти.

Таълим масканида таълим сифатини ошириш, ўқув жараёнларига илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш борасида катта ишлар қилиняпти. Бу борада устоз ўқитувчилардан кимё фани бўйича Иброҳимжон Ёдгоров, чизмачилик фанидан Абду-жаббор Йўлдошев, ёшлардан Элёр Шерматов, Шаҳноза Тоштемирова ва Зироат Машрабова каби интилувчан ўқитувчиларнинг изланишлари, ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини ошириш йўлида олиб бораётган ишлари бошқалар-

га ўрнат қилиб кўрсатса арзирли. Коллежда ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали банд этиш мақсадида 15 та умумтаълим ва касбий тўғарак ҳамда 8 та спорт секцияси фаолияти йўлга қўйилган. Уларга ўқувчиларнинг 70 фоиздан ортиғи жалб этилган.

**Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири.**

СУРАТДА: Физика фани ўқитувчиси Майлихон Дадажоновна ўқувчилар билан лаборатория машғулоти ўтказяпти.



Интернетдан ким қандай фойдаланмоқда?

Муроджон мактабда тенгдош болаларга нисбатан қоқоқлиги, дарсларга жиддий эътибор қаратмаслиги оқибатида ўқитувчилардан гап эшитадиган бўлиб қолди. У кўп вақтини интернет-кафеда ўтказар, атрофдагиларнинг унга нисбатан «ноҳақ» муносабати учун гўёки жангари ўйинлар орқали ўч оларди...

Синфдошлари ўртасида Муроджоннинг дарсларни вақтида бажармаётгани, ўқишидаги пасайиш муҳокама қилинди. Санобар унга дарсдан кейин қолиб ўқишни, Акром эса кечқурун уйда бирга дарс тайёрлашни таклиф этди. Ҳамма ўз фикрини билдирди. Муроджонни бу ҳолатдан олиб чиқиш учун биргалашиб ҳаракат қилишга келишилди...

Компьютер клублари очишга аҳд қилган ишбилармонлар клублар фаолиятини йўлга қўйишда кўпинча ёшлар гавжум жойларни танлашади. Интернет ва гейм клублар учун мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлиро атрофлари энг қулай жой ҳисобланади. Интернет-кафедрани кўздан кечирарканмиз, қайсидир талаба ёки ўқувчи ҳужжатдан нуса олаётганига, бошқаси интернетдан ўзи учун кераклик маълумот қидираётганига, кимдир ўйин билан бандлигига, яна биров эса интернет оламининг турли манзиллари аро «кезаётган»ига гувоҳ бўламиз.

— Мактаб ёшидаги болалар асосан компьютер ўйинларини ўйнаш учун клубимизга киришади, — дейди Тошкент шаҳридаги «E-NET» интернет клуби ходими Шавкат Асатуллаев. — Бир кунда беш ёки олти бола футбол ўйинини ўйнаши мумкин, қолгани, асосан, жангари ўйинларга қизиқади.

«Неча ёшдаги болалар интернет-кафедрани кириши, қайси сайтлардан фойдаланаётганини клуб назорат қилиб борадими?», деган саволимизга администратор беҳаёликни тарғиб қиладиган сайтларга кириш тақиқлаб қўйилгани, интернет-кафега кириётган болалар ёши инobatга олинмаслигини айтди.

Холбуки, мамлакатимизда ўрнатилган тартибга кўра, вояга етмаган болаларнинг интернет-кафедрани кечки соат 22.00 дан кейин ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи бирор шахс ҳамроҳлигида киришлари белгилаб қўйилган.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда интернет-кафедрани болалар ва ўсмирлар, асосан, турли виртуал ўйинларни ўйнаш, концерт ёки фильмларни томоша қилиш билан вақтини совурмоқда.

ХАВФ ОЁҚ ОСТИДА

Бугунги ахборот асрида дунёда текин нарса ёки холис хизматнинг ўзи йўқ. Шундай экан, четдан кириб келаётган ҳар хил ғоялар таъсирини тушмасдан, ўз куч-қудратимизга,

салохиятимизга, миллий қадриятларимизга, имон-иродамизга таяниб иш кўришимиз лозим. Чунки турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқлик тобора кучайиб бораётган мурраккаб даврда яшамоқдамиз.

Ҳозир интернет бутун дунёни эгаллаб олган. Унинг ёрдамида бир дақиқада дунёнинг нариги четидаги киши билан суҳбатлашиб, ўзаро фикр алмашиш мумкин. Лекин турли сайтлар, ижтимоий тармоқлар, форум ва чатлардаги таниш-билишлар ҳақида холис маълумотга эга бўлиш мутлақо имконсиз. Уларнинг кимлигини, нияти қандайлигини билмасдан туриб, кибер дўстларга кўнглини очётган — шахсий ҳаёти, ўй-кечинмалари, туйғуларини ишониб айтаётган ёшлар кўп. Натижада, уларнинг далдаси, ширин алдовлари, сохта мулозаметларига учган ёшлар охири интернетсиз яшай олмай қолади. Бу эса компьютерни одам эмас, компьютер одамни бошқариш имкониятини юзга келтиради.

Айнан глобаллашув баҳонасида қайсидир давлатлар ёки қандайдир марказлар дунёнинг бошқа четидаги одамлар мафкурасини ўзгартиришга, уларни ўз ғаразли ғояларига ишонтиришга, бинобарин, уларни ўз ортидан эргаштиришга уринмоқда. Бунга «нишон бўлган» инсонларнинг на миллий қадриятлари, на урф-одатлари ва на ўша юрда яшайдиган инсонларнинг дину диёнати, имон-эътиқоди, хоҳиш-иродаси эътиборга олинади.

Эндиликда интернет шу даражада оммалашдики, унга мурожаат қилувчилар сафи ҳам, эълон қилинадиган мавзулар кўламини ҳам кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Ривожланган давлатларнинг 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳолиси ҳозирги кунда интернетдан фойдаланади. Чунки янгиликлар, обҳаво, даволанишнинг янги турларини билиш учун бемалол ушбу глобал тармоққа мурожаат қилиш мумкин.

XX асрда инсониятга ядро курули катта хавф солган бўлса, бугунги кунга келиб турли мақсадларни кўзлаб уюштирилаётган ахборот хуржлари халқлар, давлатлар, минтақалар ҳаётини, келажак тақдирини таҳликага қўймоқда. Бунинг учун миллионлаб маблағ сарфланаётгани ҳам сир эмас. Энг ёмони, ҳозирги кунда ёшларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида интернетга мурожаат қилмоқда. Тармоқда ўз жонига қасд қилишнинг осон йўллари тарғиб қилувчи 9 минг, шахвоний мазмундаги 4 мингдан зиёд сайтлар мавжуд бўлса, 49 фоиз компьютер ўйинлари зўравонлик ва ёвузликни тарғиб қилаётир. Айни вақтда 42 фоиз болалар ва ўсмирлар он-лайн тарзида тарқатиладиган порнография таъсирига бутунлай тобе бўлиб қолган. Халқаро экспертлар дунё миқёсида 38 фоиз бола зўравонлик руҳидаги сайтларга, 26 фоизи миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларга мунтазам киришни тасдиқламоқда.

БИЗ ОРҚАДА ЭМАСМИЗ

Ахборот глобаллашувни жараёнида миллий ахборот маконини шакллантириш, ҳимоя қилиш ва уни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш ҳар бир давлатнинг стратегик манфатлари билан ҳамохан бўлган устувор вазифалар сирасига киради. Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиш суръатининг янада оширилиши эса ахборот алмашуви соҳасида чексиз имкониятлар яратмоқда. Бу, ўз навбатида, дунё мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий омилларидан бирига айланиб бораётир.

— Ҳозирги кунда мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 9,8 миллиондан ошди, — дейди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ахборот хизмати раҳбари Шаҳриёр Мансуров. — 16 мингга яқин Uz доменидаги веб-сайтлар фаолият олиб бормоқда. 200 дан ортиқ веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган. Ушбу веб-саҳифалар, асосан, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий йўналишларга ихтисослашган. Энг асосийси, уларнинг доимий ўқувчилари сони кун сайин кўпаймоқда.

Бугунги кунда халқаро интернет тармоғини миллий ахборотлар билан тўлдириш энг долзарб масалалардан биридир. Таъкидлаш жоизки, бу борада бир қатор ютуқларга эришилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг «Ғояга қарши ғоя, мафкурага қарши мафкура, жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ лозим», деган сўзларига амал қилган ҳолда, асосий эътибор ёшларимизда ўзига хос «ахборот иммунитетини», улар онгида оқни қорадан, яхшини ёмондан ажратиш туйғусини шакллантиришга қаратилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 28 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «ZiyoNet» жамоат ахборот таълим тармоғи ташкил этилди. Бугунги кунда мазкур тармоқ ёшлар ҳамда таълим олувчиларга ахборот-коммуникация хизматларини кўрсатиш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

«ZiyoNet» тармоғида 25

мингдан ортиқ маъруза матнлари, илмий ишлар, рефератлар, ўқув дастурлари жамланган. У янги ўқув дарсликлари, қонунчиликка оид маълумотлар, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда спорт ҳақидаги маълумотлар, болалар ва ўсмирларга мўлжалланган ахборот ресурслари ва таълим соҳасидаги кундалик янгиликлар, қизиқарли мақолалар билан бойитиб борилаётир.

Порталга мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртлиро, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, умумий ўрта таълим мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, Баркамол авлод марказлари, музейлар, спорт иншоотлари тўғрисидаги маълумотлар, арбоблар бўлимида халқимиз тарихида, фан, маданият ва спорт соҳаларида ўчмас из қолдирган инсонлар ҳақида маълумотлар ва видеолар жойлаштирилганлиги ҳам фойдаланувчилар учун улкан имкониятдир.

— Мамлакатимиз ёшларининг ахборот технологиялари имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишга бўлган интилишлари давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг ўқув ишлари бўйича проректори Тўлқин Тешабоев. — Шундай экан, ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, бой ва буюқ тарихга эга аждодларнинг ворислари эканини англаб етадиган инсонлар этиб тарбиялаш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида вояга етказишда ахборот технологияларининг ўрни ва ролини ошириш устувор вазифага айланмоғи даркор.

Қонунчилигимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар хил зарарли ахборотлардан ҳимоялашнинг таъсирчан механизмлари яратилган. Мустақиллигимизнинг илк кунларида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунда ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, жумладан, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни тарғиб қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда эса беҳаёлик, шафқатсизлик ва зўравонлик ҳақида ҳикоя қилувчи, инсон кадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этишларига сабаб бўлувчи адабиётларни тарқатиш, фильмларни намойиш этиш тақиқлини белгилаб қўйилган.

ИСТЕЪМОЛЧИ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУР

Давлатимиз раҳбари барча оммавий ахборот воситалари қатори интернет ҳам ёшларимиз учун кенг имкониятлар эшигини очишини таъ-

кидлаб, «Интернет — бу катта бир дўкон. Дўконга борганда, одам хоҳлаган молини сотиб олади. Интернетни ҳам шундай бир бозор, яъни ахборот бозори, деб тушуниш керак», дейди. Бинобарин, ўсиб келаётган авлодни шундай тарбиялашимиз керакки, улар ахборот маконига кирганда, фақат ўзи учун зарур ва фойдали нарсани олсин, интернетдан фойдаланиш маданиятини ўргансин.

Бугунги глобаллашув даврида интернет тизими орқали менталитетимизга мутлақо ёт мафкура ва дунёқарашни ёшларимиз қалби ва онгига сингдиришга уринаётганлар борлиги, айниқса, хатарлидир. Зеро, мафкуравий хуружлар, аввало, ёшларнинг онгини захарлашга қаратилган бўлиб, «оммавий маданият» деб атаётган иллат халқимизнинг маънавий бойлиги бўлган одоб-ахлоқ, ибод, ор-номус, ирода, шарм-ҳаё, ифбат-андиша каби фазилатларимизни нурсизлантириб, кўп минг-йиллик миллий қадриятларимизга путур етказётир.

Кўп нарса интернетнинг бой ахборот ресурсларидан ким ва қандай мақсадларда фойдаланишига боғлиқ. Шу ўринда ҳар қандай ахборот хуружлари, «оммавий маданият» хавфидан ҳимояланмаган сайтлар, ижтимоий тармоқларнинг салбий таъсиридан бутун миллат, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳимоя қилиш ҳар бир онгли инсоннинг муқаддас бурчи эканини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан ютуқларнинг негизида турган асосий омил инсондир. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир», деган сўзлари бир аср аввал миллатимиз учун қанчалик муҳим ва долзарблик касб этган бўлса, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган даражада улкан зиён етказиш мумкин. Бу таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, илмий асосда пухта ташкил этилган, узлуксиз олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш талаб этилади. Давр шиддати билан бирга қадам ташлаётган ёшларимиз миллий маънавиятимиз асосида тарбия топса, одоб-ахлоқ тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ўз таъсирини ўтказма олмайди.

... Муроджон бу йил мактабни битиради. Ҳозир у устозлари ва синфдош дўстлари кўмагида дарсларни ўз вақтида ўзлаштириб, аёло баҳоларга ўқишга интилмоқда. У компьютер техникаси ва коммуникация тармоқларига жуда қизиққанлиги боис ахборот-коммуникация технологиялари касб-хунар коллежига ўқишга киришга қаттиқ бел боғлаган.

**Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎЗА шарҳловчиси**

Маъмуранинг саодати

Биз нима учун иқтидорлиларга, қобилиятли кишиларга ҳавас қиламиз? Чунки уларнинг ҳар бир қадамида эзгу амал, эзгу ҳаракат бор. Миллий санъатимизнинг рақс йўналишида турли ижролари билан ўзбекнинг довуғини дунёга таратган таниқли раққосаларимизга ҳозир ким ҳавас қилмайди дейсиз?! Келажакда бу раққосаларга ўринбосар, издош иқтидорли қизлар ҳозир бормикан, деган саволга ҳожат ҳам йўқ. Чунки юртимизда санъатимиз учун яратилган имкониятлар тўғрисида турли кўрик-танловларда раққоса қизлар фаол иштирок этаётир. Ана шундай ёшлардан бири, «Зулфияхоним издошлари» кўрик-танлови туман босқичининг бир неча бор ғолиб ва совриндори, вилоят босқичининг совриндори, зоминлик Маъмурахон Шерановадир.



Кўхна ва ҳамиша навқирон Зомин ҳам истеъдод гунчаларига бой бир бўстон. Бу ерда нафақат туман, балки вилоятда ҳам довуғи таралган санъаткор сулола — Шерановлар сулоласи яшайди. Ана шу сулола вакили, жуда кўп йиллар давомида халқ таълими соҳасида фаолият юрит-

ган инсоннинг фарзанди бугун кўрик-танловнинг республика босқичи қатнашчиси.

Маъмура Шеранова Зоминдаги болалар мусиқа ва санъат мактабида хореография йўналиши ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатади. Шу билан бирга, бўш вақтларида худди отаси

каби, унутилаётган халқ ларпарлари, ўланлар, алёрларни ёш авлодга бус-бутунича етказиш, кадрятларни қадрлашга ва уни тарғиб этишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Маъмура танловнинг туман босқичидан юқори баҳолар билан ўтиб, вилоят босқичи-

да олтимиш тўрт нафар иштирокчи орасида ўзининг чиқишлари билан ҳакамлар эътирофига сазовор бўлди. У санъатнинг рақс йўналишида қатнашиб, халқимиз, хусусан, ёшлар орасида унутилиб бораётган «Доира рақси»га чиқиш тайёрлади.

— Мен Зоминнинг «Шермат Ёрматови» дея таърифланган инсон, жуда кўп йиллар туман мусиқа ва санъат мактабини бошқарган, юзлаб шогирдларга эга санъаткор инсон, отам — Файрат Шерановга доим ҳавас қилганман, — дейди Маъмура. — У киши менинг республика босқичига чиққанимни эшитиб, ўзида йўқ хурсанд бўлган эдилар. Ниятим — олий босқичда ҳам ўз чиқишларим билан санъатимни кўрсатиб, иқтидоримни намоён этиб, ғолибликни қўлга киритиш. Зеро, халқ орасида унутилиб бораётган, ёшлар учун бирмунча нотаниш бўлган «Доира рақси», «Чўпон қизи рақси», «Чевар рақси» каби рақс-

ларни қайта тирилтириш, уларни ёш авлодга етказиш — бурчимиз.

Дарҳақиқат, бу жанрда қатнашганлар ўз чиқишларида янгилаш йўли тутишлари шарт. Шуларга риоя этган Маъмура Шеранова вилоят босқичидаги чиқиши билан бошқалардан ажралиб туради.

Кувонч билан қайғу... ёнмаён юради, деганлари тўғримики, аслида. Маъмура вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритганда, отаси Файрат ака ҳаёт эди. У кишининг вафотида ҳам мана бир ойдан ошибди. Акаси Собиржон ҳам санъат йўлидан кетган. Отасининг эзгу амалларига давомчи бўлмиш Маъмура ёшлигида ҳам «Янги авлод», «Камолот» қизлари каби танловларнинг туман, вилоят босқичларида фаол иштирок этган. Шу боис у санъатни ўз саодати деб ҳисоблайди.

Маъмурахонга республика босқичида ҳам муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиз!

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Истиқлолдан яшарган замин

Самарқанд шаҳрининг кунботар томонида «Ҳазора» деб аталувчи автошоҳбехат бор, ана шу шоҳбехатдан Пастдарғом, Каттакўрғон туманлари, нарёғи Навоий, Бухоро вилоятлари йўналиши бўйича уловлар қатнайди. Бу жойнинг номланиши ҳақида халқ орасида турли гап-сўзлар юради.



Аммо гап бунда эмас, гап азим Самарқанд шаҳрининг шундоққина биқинида жойлашган Пастдарғом тумани ҳудудида олиб борилаётган ишлар кўламнинг кенлиги, ободонлаштириш ишларининг яхши йўлга қўйилганидир.

Шу йўналиш бўйича йўлга чиққан йўловчилар кўз ўнгидан шундай манзара намоён бўладики, беихтиёр шундай яшаса ҳам бўлар экан-ку, деган фикр хаёлингизда чарх уради. Шаҳардан автобусда кетар экансиз, бироз юрганингиздан кейин чиройли кўприкка дуч келасиз. Кўприк замонавий усулда қурилганлиги билан диққатни ўзига қилади.

— Қандай чиройли кўприк-а, барака топгурлар уч ойда қуриб битказишди.

Эскиси уч йилда қурилган эди. Олд қаторда ўтириб гурунглашиб кетаётган мўйсафидлар гурунги ўз йўлига, аммо бугунги кунда қурилаётган кенг, текис йўллар уловлар учун қанча қулай

бўлмасин, йўловчилар учун унданда қулай. Автобус ичида ўтириб кетаётганларга назар ташлайман. Ҳеч ким оёқда тик туриб кетаётгани йўқ, ҳамма юмшоқ ўриндиқларда ўтириб кетмоқда. Йўл танобини тортиб бораётган улов ойнасидан йўл четида баравж ривожланаётган дов-дарахтлар, гулларни кўриб кўз қувнайди. Айниқса, юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари ва маслаҳат-кўрсатмалари асосида бунёд этилаётган қулай, замонавий бинолар дилни равшан торттиради. Туман ҳудудида ана шундай бинолардан 2009 йилда 20 та, 2010 йилда 80 та, 2011 йилда 30 та, ўтган йили 100 та қурилиб фойдаланишга топширилган бўлса, бу йил яна юзта бино қурилиши бошланиши арафасида турибди.

Автобусда кетаётиб, беихтиёр пештоқига «Пастдарғом тиббиёт коллежи» деб ёзилган уч қаватли бинога кўзингиз тушади. Ушбу илм масканида ҳозирги кунда икки минг нафар йигит-қиз таълим олмоқда. Ун-

Vatan manzaralari

дан кейинги бино 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бўлиб, унда қишлоқ ёшлари ўндан ортиқ спорт тури бўйича шуғулланишмоқда. Улардан кўпгина йигит-қизлар вилоят, республика мусобақаларида иштирок этиб, ғолиб ва совриндор бўлишган. Ҳали яна қанчадан-қанча спорт усталари, чемпионлар етишиб чиқади.

Авваллари (истиқлолдан илгари) Самарқанд шаҳридан келаётган уловнинг Жума шаҳрига бурилиш жойи кўримсиз, тор йўлда бошланар эди. Ана шу тор йўл кенгайтирилиб, тўрт қаторли йўлга айлантирилди. Йўлга қўшимча йўл қурилиб кириш жойига рамзий дарвоза қурилди. Шаҳарга кираверишда ўнг қўлда Мотамсаро она ҳайкали турибди, бу жой табаррук гўшага айлантирилган. Мотамсаро она ҳайкали пойи ҳамиша гуллар билан безаниб туради. Йўлнинг давоми тўғри ёшлар истироҳат боғига етаклайди. Ёшлар боғига кираверишдаги йўлқалар четларига экилган гулларнинг турфа рангда жилваланишидан равшанлашса, ўриндиқларда ўтириб дилдан суҳбат қураётган қариялар, ёш-ялангларнинг шодон кайфиятига гувоҳ бўласиз. Боғда ўрнатилган осмонўпар чархпалакка чиқиб шаҳар жамолини томоша қилувчилар бисёр. Боғнинг бир бурчида болажонлар учун мўлжалланган турфа аттракционлар фаолиятини кўриб, улар шодлигидан беихтиёр сизнинг ҳам дилингиз яйрайди. Яхна ичимликлар билан савдо қиладиган расталар бир тараф бўлса, иккинчи тарафда ошхоналар сайилгоҳга келувчилар учун хизмат кўрсатади.

Ҳа, юртимиз кундан-кунга чирой очиб бораётир. Яқинда туманимиз марказида «Баркамол авлод» ёшлар маркази биноси қад кўтарди. Бу ерда ёшлар учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё. Мажлис залли, ҳар хил тўғараклар учун мўлжалланган хоналарни кўриб, кекса бўлсангиз, ёшаргингиз, ёш бўлсангиз, тезда бу марказга аъзо бўлингиз келиб кетади.

Бахтиёр ХУШВАҚТОВ,
Пастдарғом тумани

Menga so'z bering

Меҳр — бу сўз замирида оламжаҳон маъно бор. Унинг мазмун-моҳиятида олижаноблик, одамийлик, мардлик, саховат каби инсоний фазилатлар мужассам. Шу боис донишмандлар меҳрни тафти қалбларни иситувчи қуёшга менгашган. Унинг чексиз нурлари инсонларга саховат улашиб, эзгуликка йўллаган.

Киши хулқининг офтоби

Энг улуғ ва оташин меҳр бу ота-онага бўлган меҳрдир. Чунки инсон боласи дунёга келиб, то улғайгунга қадар ота-онаси уни кўз қорачигидек эҳтиёт қилади, ёмон назарлардан, хатарлардан авайлайди. Табиийки, онг-шуури бекам инсон бу ардоқни англайди ва унга кўрсатилган мурувватга жавоб ўларок, ота-онасига нисбатан қалбида меҳр туяди. Айниқса, она алласи, ундан таралган мунис оҳанг ва жозоба гўдак шуурида меҳр-муҳаббатнинг илк гунчаларини пайдо қилади. Бешиқнинг оҳиста тебраниши ва онанинг ширали овози чақалоққа хотиржамлик бағишлайди. Мурғак қалб онасининг меҳрини руҳан ҳис этади.

Меҳр туйғуси ҳақида кўплаб таърифлар, тушунчалар бор. У тўғрисида инсонлар орасида биродарлик, дўстлик, аҳил-иноқлик ҳукм суради. Меҳр одамларни ҳар қандай хусумат, гина-кудурат, ғаразлардан йироқ тутаяди. Кишиларни бир-бирига ёрдам беришга, синовли кунларида бақамти, елкадош бўлишга, хурсандчилик онларида ҳамроҳ бўлишга ундайди. Шу боис кекса отахону онахонларимиз биз, ёшларни доимо меҳр-оқибатли бўлишга чорлашади. Меҳр-оқибатли киши асло кам бўлмаслиги уларга ҳаётини тажрибалари орқали яхши маълум. Ахир, айтадилар-ку, қари билганни пари билмас, деб.

Феруза РАЖАБОВА,
Тошкент ислом университети қошидаги академик лицей ўқувчиси

Маънавий камолот асоси

Бўка туманидаги 37-мактаб 2010 йилда давлат дастурига биноан қайта реконструкция қилинган, барча қулайликларни ўзида мужассам этган замонавий ўқув биносига эга бўлди. Айтиб бериш керакки, бу мактабда спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан янги спорт зали қуриб берилди ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Мактабда фан ва спорт тўғрисида алоҳида эътибор берилди. Жумладан 17 та фан тўғрисида мунтазам ишлаб турилади. Айниқса, миллий кураш бўйича ташкил этилган спорт тўғрисида жамғарма ҳисобидан янги спорт зали қуриб берилди ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Мактабда фан ва спорт тўғрисида алоҳида эътибор берилди. Жумладан 17 та фан тўғрисида мунтазам ишлаб турилади. Айниқса, миллий кураш бўйича ташкил этилган спорт тўғрисида жамғарма ҳисобидан янги спорт зали қуриб берилди ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Мактабда фан ва спорт тўғрисида алоҳида эътибор берилди. Жумладан 17 та фан тўғрисида мунтазам ишлаб турилади. Айниқса, миллий кураш бўйича ташкил этилган спорт тўғрисида жамғарма ҳисобидан янги спорт зали қуриб берилди ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Мактабда фан ва спорт тўғрисида алоҳида эътибор берилди. Жумладан 17 та фан тўғрисида мунтазам ишлаб турилади. Айниқса, миллий кураш бўйича ташкил этилган спорт тўғрисида жамғарма ҳисобидан янги спорт зали қуриб берилди ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминланди.

ларга қизиқиши, хоҳиш ва истаклари чуқур ўрганилди. Айниқса, синф раҳбарлари билан ота-оналар ўртасида-

Иқтидорли болалар ўртасида «Келинг, беллашамиз!» деб номланган синфлараро танлов йўлга қўйилган.

Дарҳақиқат, мактабда нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар ҳам қизгин изланиш палласида. Ҳозирданок бутун жамоа инглиз тилини ўрганиш бўйича махсус очилган курсга жалб этилган. Қолаверса, компьютер саводхонлигини йўлга қўйиш бўйича ишлар жадал олиб борилапти.



ги доимий мулоқот ўқувчиларнинг қизиқишларини тўғри ҳисобга олишда муҳим омил бўлмоқда. Мактаб жамоаси тумандаги қурилиш ва сервис касб-хунар коллежи ҳамда педагогика коллежи билан яқин ҳамкорлик алоқасини ўрнатган.

— Обод турмуш йилидаги қилинажак режаларимиз янада катта, — дейди биз билан суҳбатда мактаб ўқитувчилари. — Икки минг туп атрофида турли хил манзарали дарахт кўчатларини ўтказмоқчимиз. Худудимизни бундан-да обод ва кўркем масканга айлантирамиз. Ўқитувчи аёллардан иборат волейболчилар жамоаси тузилмоқда. Шахмат-шашка тўғрисида янада ривожлантирилади.

ФАРЗАНДЛАР КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ

Бўка туманидаги яна бир билим даргоҳи 51-мактабдир. Умуммиллий давлат дастурига биноан 2007 йилда 315 ўринли янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Ҳозирда ўттизга яқин моҳир педагоглар кўлида 210 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. 16 та фан ва спорт тўғрисида фаолият юритади. Барча фан хоналари тўлиқ жиҳозланган.

Мактабда ободонлаштириш соҳасига, тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таҳсинга сазовор. Билим даргоҳи худудига уч ярим минг туп мевали ва манзарали да-

Та'лим масканларида

рахт кўчати ўтказилган. Мактаб ер участкасида иссиқхона ташкил этилган бўлиб, бу ерда гуллар ва кукатлар етиштирилади. Албатта, ҳозирда тадбиркорликдан тушган фойда эвазига мактабни таъмирлаш ҳамда мактаб худудини ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Мактабда амалга оширилаётган ишлар туман миқёсида эътироф этилмоқда.

Келажак вориси бўлган ёш авлодни касбга йўналтиришда, уларга касбий маълумот беришда устозлар меҳнати ибратга лойиқдир. Мактабни битириш арафасида турган ўттиз нафар ўқувчи билан алоҳида, жадвал асосида изчил иш олиб борилапти. Ҳар бир битирувчининг қайси касбга қизиқиши, хоҳиш-истаклари жамланган альбом ҳам киши диққатини тортади.

«Фарзандлар келажаги учун оталар масъулдир» мавзусида оталар йиғилиши ҳамда «Қиз боланинг касби — унинг бахти» мавзусидаги оналар йиғилишининг ўтказилиши ва унда олинган тест натижаларининг муҳокама қилиниши фойдали бўлди. Айни дамда худуддаги касб-хунар коллежлари билан ҳамкорликда иш олиб борилапти.

Мактабда иқтидорли ўқувчиларга эътибор ўзгачадир. Бу борада маънавий-маърифий ишларнинг самарали олиб борилаётганлиги бор гап. 6-синф ўқувчиси Муслима Ўринбоева рақс йўналиши бўйича «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичида иштирок этиб, лауреат бўлганлиги барчани қувонтирди. Зулфияхоним издошларидан бири Захро Абдуллаева шеърят йўналишида изланишлар олиб борапти. Умуман олганда, мактабнинг иқтидорли ўқувчилари туман миқёсидаги барча тадбирларда доимо фаол.

Ашурали БОЙМУРОД, «Turkiston» мухбири

Yoshlik ilhomi



Кўкларнинг кўркига таҳсинлар айтиб,
Бўйларни тебраниб гуллар ҳар дарахт.

Менинг ҳаёлимда ширин орзулар,
Абад эзуликка ёрқин ҳаёлим.
Оқтобдан куч олган улкан аҳдим-ла
Бахт сари одимлар бу кўнглим отим.

Пешонам ярқираб нурлар қўйнида,
Кўклардан уфуриб турар бахт саси.
Февраль, етказдинг-а бизларни омон,
Юртимга ҳуш келсин кўклар нафаси!

**Мадина МУРОДОВА,
Жиззах давлат педагогика
институтини қошидаги академик
лицейнинг 2-курс ўқувчиси**

ВАТАН

Қўшиқ айтсам саз чалар
Ирмоқларинг, жон Ватан.
Жонга дармон «Муножот»,
«Ушиоқ»ларинг, жон Ватан.

Жонимга туташ, яқин,
Йироқларинг, жон Ватан.
Қайда бўлсам, кўзmunчoқ
Нигоҳларинг, жон Ватан.

Навоийсан, беш юз йил
Нарида балқиб турган.
Бобурсан, соғинчидан
Кўз ёшлар қалқиб турган.

Хоразмийсан, фикри нур —
Саноқларинг, жон Ватан.
Нақибандсан, Ҳадисдан
Сабoқларинг, жон Ватан.

Кўймисан, ғазалмисан,
Не бўлсанг ҳам ташна дил.
Меҳрингдан кўнглим ўсар,
Шеърим олов, сўз дадил.

Кўзимизга тўтиё
Байроқларинг, жон Ватан.
Икки дунё кўрмайлик,
Фироқларинг, жон Ватан!

ЎЗБЕКНИНГ АЁЛЛАРИ

Тиниб-тинмас озурда жонлар,
Бир меҳрибон, азиз инсонлар,
Тоза гуллар, жамбил, райҳонлар —
Ўзбекнинг аёллари.

Боласига парвоналарим,
Уй-жойим деб гирёналарим,
Ёмонликка бегоналарим —
Ўзбекнинг аёллари.

Чумолидай чакқон, ғайратли,
Саховатли, шаҳду шиддатли,
Райҳон исди, оқтоб ниятли —
Ўзбекнинг аёллари.

Ҳар бирингиз кўзимнинг нури,
Мен талпинган меҳр сурури,
Азиз юртининг фахри, гурури —
Ўзбекнинг аёллари.

КЎКЛАМ НАФАСИ

Қипригимни силар ўйноқи еллар,
Утли нигоҳимда порлайди қувонч.
Улкан мақсадларга ёр бўлган дилда,
Сабрнинг кафтидан туттади ишонч.

Ҳар ёнда очилиб ранг-баранг гуллар,
Гўзаллик суратин чизади сармаст.



Иқтисодий муаммо

Европа иттифоқи томонидан ўтган йилда жорий этилган нефть эмбаргоси (таққи) сабаб Эрон иқтисодиёти кўрган зарар 40 миллиард доллардан ошиб кетди.

Халқаро энергетика агентлиги ҳисоб-китобларига кўра, 2013 йилда мамлакатда нефть қазиб олиш ҳажми сўнгги 30 йилдаги энг паст кўрсаткични кўрсатиб, кунига 2,65 миллион баррелни ташкил этган. Иттифоқнинг санкциялари кучга киргунича Эрон кунига 3,7 миллион баррель нефть қазиб олар, 2000 йилларнинг ўрталарида бу кўрсаткич 4,2 миллион баррелга тенг эди. Январ ойининг охирида Эрон ҳукумати жорий этилган жазо чораларига жавобан, Европа давлатларига нефть ва газ экспорт қилишни бутунлай тўхтатишини маълум қилган эди. Ўтган йилнинг февраль ойида Техрон Франция ва Буюк Британияга углеводородлар етказиб беришни тўхтатган. Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажод иттифоқнинг санкцияларидан мамлакат иқтисодий зарар кўраётганини тан олди. Нефтьдан олинаётган даромад Эрон бюджетининг асосий қисмини ташкил этади. Европанинг бу қарори туфайли Эроннинг миллий валютаси қисқа вақт мобайнида уч бараварга қадрсизланди.

Кеп қолинг, арзон бўлиб қолди!

2012 йил мобайнида жаҳон бўйлаб 1,75 миллиард донна мобиль аппарат сотилди. Бу 2011 йилдаги натижадан 1,7 фоиз кам.

Мобиль телефонларнинг йиллик савдоси 2009 йилдан бери илк марта пасайди. 2012 йилнинг сўнги уч ойи давомида жаҳон бўйлаб 264,4 миллион донна оддий аппарат сотиб олинган, бу 2011 йилнинг худди шу давридаги кўрсаткичдан 19,3 фоиз кам. Лекин оддий телефонлар смартфонларга нисбатан, яхшироқ сотилмоқда. 2012 йилнинг сўнги чорагида сотилган барча телефонларнинг 44 фоизи смартфонлар тоифасига киради. Смартфонлар бозорида ҳали-ҳамон «Samsung» ва «Apple» етакчилик қилмоқда. Улардан сўнг, Хитойнинг «Huawei» компанияси учинчи ўринни банд этиб бормоқда. Операцион тизимда эса 69,7 фоиз билан «Android» етакчидир. Иккинчи бўлиш эса 20,9 фоизлик улуш билан «iOS»га насиб этган. Улардан ташқари, «BlackBerry OS», «Windows phone» ва «Bada» ҳам рўйхатдан жой олган.

Венесуэла президенти қайтди

Венесуэла президенти Уго Чавес Кубадаги даволаниш курсидан сўнг мамлакатга қайтганини маълум қилди.

Шунингдек, у даволанишнинг қолган қисмини юртида давом эттириш ниятида. Венесуэла ҳукумати Чавес ўзга юртда операция қилинганидан кейин президентнинг илк суратларини намойиш этганди. Суратда унинг ўз оиласи билан газета ўқиётгани тасвирланган эди. Шифокорлар 2011 йилнинг ўрталарида Чавесда саратон ўсимтасини топишган, шундан бери у ўрт марта операция қилинди. Чавес бўлмаган вақтда вице-президент Николас Мадуро унинг вазифасини бажариб турди.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади



Умрингдан барака топ!

Автобус келавермагач, бекатда анча ушланиб қолдим. Бекатда мен каби йўловчилар ҳам кўпайиб қолганди. Ёши анчага етиб қолган, сочларига оқ оралаган онахон шошаётганлиги сезилиб турарди. Онахон у ёқдан бу ёққа юриб, ўтиришга ҳам сабри чидамасди.

Икки дугона нарироқда мириқиб суҳбат қуришаётганди. Қўлларига мобиль телефон, бир-бирига нималардир деб қиқирлашарди. Онахон кўзларига ишонмади, шекилли, дугоналар суҳбатини бузиб:

— Қизим, автобус яқинлашдими? — деб сўради.

Дугоналардан бири жаҳли чиқиб:

— Уф-ф, келмади! Келса ёнингизга келади! — деб ўшқириб берди.

Онахон жойида тик қолганча жимиб қолди. Лом-мим демай, айбдордек кўзларини ердан узмади.

Онахоннинг безовталигидан, набираси қатори тенгдошларимнинг қилган муомаласидан сесканиб кетдим. Онахонни юпатмоқчи бўлиб:

— Моможон, шошаётганмидингиз? — сўрадим ундан.

— Ҳа, болам, автобус ҳам ҳаяллаб қолди. Набирам касалхонага тушибди. Ота-онаси қишлоқда эди. Ёнига тезда етиб бормасам бўлмади, — дея кўзига ёш олди.

Унга қандай ёрдам кўрсатишни ўйлаб қолдим. Енгил машиналар кетма-кет қатнарди. Икки қадам ташлаб, йўловчи машинани тўхтатиб, ҳайдовчидан онахонни касалхонага элиб кўчирилиши илтимос қилдим. Юқларини кўтаришиб, онахонни орқа ўриндиққа ўтқизишга кўмаклашдим. Онахон кўлларини очиб, алланамаларнидир пичирлаб: «Умрингдан барака топ, қизим», дея дуо қилди. Икки дугона эса қилмишидан уялиб, кўзларини ердан узмасди.

Хуршида ШАМСУДДИНОВА,
Косон тумани

Ҳашар — бизга ярашар

«Ўзметкомбинат» ОАЖдаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкilotи ташаббуси билан Бекобод шаҳридаги корхонага қарашли санатория-профилакторияда ҳашар ташкил этилди.

Ободонлаштириш ишларида бошланғич ташкилотнинг цех етакчилари, комбинатда меҳнат қилаётган ёш ишчи ва ходимлар иштирок этишди.

Ёшлар томонидан санатория-профилактория ҳудудида ўттиз тупдан ошиқ мевали дарахт кўчатлари ўтқазилиб «Камолот» ёшлар боғи барпо этилди. Шунингдек,

боққа туташ жойда гул кўчатлари учун ариқлар қовланди, бетонли йўлақлар таъмирланди.

Ҳашарда цех етакчиларидан Ш.Бобобеков, Ф.Раббимов, А.Юсупов, Ш.Нуриддинов, Н.Турғунов, К.Абдурашидов, Ж.Жўраев, Ф.Аширкулов фаол қатнашдилар.

Беҳзод КОДИРОВ

Ўқинг, зерикмайсиз!

Kaleydoskop

Эътирофга муносиб аллома

Юртимизда азал-азалдан табиий ва аниқ фанларда энг юксак чўққиларни эгаллаган алломалар етишиб чиққан. Ва бугунги кун ёшлари — бизнинг олдимизда турган энг муҳим бурч-вазифалардан бири уларнинг анъанасини давом эттириш ва бу соҳаларда ҳам юқори марраларни эгаллашдир.

Комусий билим эгаси, авлодлар учун ўртак буюк олимлардан бири Маҳмуд Чағминийдир. Бу зот хоразмлик бўлиб, XII — XIII асрларда яшаб фаолият олиб борган.

Чағминий математика, астрономия, тиббиёт, географияни мукамал ўрганиб, бу соҳаларга оид китоблар ҳам битиб қолдирган. Жумладан, унинг астрономияга доир «Мулахас фил хайъа» китоби Мовароуннаҳр маррасаларида дарслик сифатида ўрганилган.

Тиббиётчиларга ҳамнафас

1895 йилда физик олимлардан бири фанда ниҳоятда улкан кашфиёт қилди. Бу кашфиёт нафақат улкан, балки жуда муҳим ҳам эдики, бу кейинчалик, орадан йиллар ўтиб ўз тасдиғини топди.

Олим электромагнит нурларни кашф этиб, уларни х-нурлар деб атади. Бугун тиббиётда бу кашфиётдан жуда кенг фойдаланилади. Эҳтимол, унингсиз шифокорларнинг иши янада мушкул бўлиши мумкин эди. Хўш, ана шундай муҳим кашфиёт соҳибни ким эди? Бу немис физиги Вилгелм Рентгендир.

Жавоҳир тайёрлади

Акойиб, антиқа	Равнақ, истикбол					Авто «уй»и				Машхур рус шоири									
8	7	6	5	3	1	Лас- ... (шаҳар)	Ғафурова (актриса)	Ўзбек халқ достони	7	4		6			3				
			9					Айтилган сўз — отилган ...	5		6	8			4		7		
	8	9			3					8	9	5							
	6	5	7						7			9					2		
5		2	1				«Илиада» достони муаллифи	Ном, от		2			1	9	5				
4	3				7					6			8				4		
6		9									4		3	7					
7	1	3	2		6							1				6	5		
Қадимий шаҳар, (Ўзбекистон)		Муста-сар, лунда		Ватан	Бож, тулов					Тиббиёт «лой»и									
						Кумушнинг ёри	Ҳеч қачон, зинҳор				Газ тури		Металл пул	Смит (олим)					
Оёқ кийими	Ибодат, сифиниш	Тошкент телевидениеси				«Нон ...» (Ривоят)	Унча юз	Излаган ... топар					Жак ... Кусто (сайёх)						
				Тупо-лев самолёти	Курбақа боласи			Давлат мад-ҳияси		Сайёх-лар етак-чиси									
	Плюс ишора							Гуручли суюқ таом											
9	3			1										7	5	2	4	1	
4				2			Корейс автоси							4	3			7	
	2			3	8														
	1	5	4					Ринг спорти	Доир, таал-луки					4	3	2			
3	4	7	8	6										5	1		9	6	
		9	6	7		Бўйсанг олам сеники	Манш бугози	Милли-литр (аббр.)									6	5	3
2	1			4														5	9
Тил, лисон		9		5													4	8	
		6	7	9													6	3	8
						идрок				Учрашув, висол									2

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

Turkiston

МУАССИС:
«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998

9 772010 699000

Бош муҳаррир:
Ашуrow Салим Тўраевич

Таҳрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Умарова Наргиза Баҳодировна

Саҳифаловчи:

Рўзиев Зафар Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилими: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г-243.
Адади — 15724

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.25
ЎЗА якуни — 20.25

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6